



Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ 1996 йил 25 сентябрь Чоршанба. № 68 (14366)

ЯНГИ ТАРИХИМИЗНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюқ ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш, мафкуравий маҳдудлик, тарихий сохталаштиришдан озод бўлган ва умумий руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавий юқлари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва ватанга муҳаббат руҳи сиңдирилган мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва урганиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

кўрсатиш асосида Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзиш ва урганишни ташкил этиш;
— Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлашда умуминсонийлик, тарихийлик, илмийлик ва бошқа умумбашарий таъминотларга асосланиш, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда одамларнинг ўзликларини чуқур англашиши, мустақилликни тарафдор тўлуқлигини, ҳурлик, мустақиллик руҳининг инсонлар қалбиде уйғонишини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикасининг тарихий тизимлиги узагишлар, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, тарихий жараёнларида мавжуд сиёсий институтлар, партиялар, демократик халқ ҳаракатлари фаолиятига доир манбалар, ҳужжатлар ва адабиётларни йиғиш, урганиш ҳамда таҳлил этиш;
— Ўзбекистонда эркин, демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишини жаҳон ҳамжамиятидаги тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда еритиш;

— Ўзбекистоннинг мустақиллик даври билан боғлиқ булган энг янги тарихини ўзида ифодаловчи ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, ларсликлар тайёрлаш ва уларни турли тилларда чоп этишни йўлга қўйиш;

хуқуқшуносларни жалб этиш;
— халқаро ва республикадаги оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистоннинг энг янги тарихини, миллий истиқлол, миллий тикланиш гоёларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш. Дунё халқларига Ўзбекистон ҳақида ҳар томонлама ҳақиқий ахборот, кенг ва чуқур тасаввур беришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга ошириш иборат.

«Ўзбекистон янги тарихи» маркази ташкилий гуруҳи мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўсанов иштирок этди. (УЗА).

Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этиш тўғрисида чиқарган фармойиши ана шу мақсадни кузда тутиди. 21 сентябрь кунин академияда ана шу марказ ташкилий гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида раҳбарнинг асосий мақсади ва вазифалари белгилан олди. Улар:
— мустақил Ўзбекистон Республикаси янги ва ташқи ҳаётида содир бўлаётган оламшумул жараёнлар ва уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини

Куз: фурсат ганимат

ЧАНОҚЛАРДАГИ ДУР

Дилбарнинг кузи чўдек чакнаб турар, гайрати тошқинлигидан бир зум ором олай демасди.

Аслида-ку, дугоналари ҳам йиғитларнинг кузини уйнатадигандек сулув қизлар. Ҳатто Дилбарни ҳар қандай ишда йўлда қолдириб кетадиганлари талай. Аммо, звено бошчилигининг гапи унга асалдек ёқди.

— Шу қизни келин қилганинг дунёда армони йўқ. Қаранг, кампир шафтоли егунча вақт утмай юз кило пахта терибди-я.

Ишлаган, жонини жабборга бериб интилган одамни мақтаса кимга ёқмайди?

Ахир Дилбар Норбугаев одамларнинг уртасида таърифимни келтирсин, деб олиб-югургани йўқ. «Аммо, ҳарқалай бошқалардан ортда қолиб, утиргандан кура... Ҳамиша, ҳар жиҳатдан биринчиликни қўлдан чиқарадиган номар йўқ! Инсон ҳар томонлама мукамал, гузал бўлиши керак эмасми? Сен суқсурдек қиз бўлганинг билан нима йиғит чиройингга нон ботириб ермиди? Аввало, одам ишда узини кўрсатиши керак!».

Дилбар бир сузди қиз экан, ваъдасида турди. Ма на бутунгача уйган хирмони 1 тоннадан ошиб кетди. Бу — бир ҳафтада икки минг сум пулни санаб олди, дегани. Бир ойда турт ҳафта бор. Демак, чеварликнинг нафи аниқ: уттиз кунлик даромади —

саккиз минг сум!

— Сизга бир нарсани айтиб қўяй, — дейди Музабод туманидаги Абдулла Қодирий номли деҳқон ҳужаликлари уюшмаси раҳбари Одинакул Бозоров. — Бизда чакқон қўлли теримчилар кам эмас. Аликул Аминов, Бақир Ортиқов, Собир Одинаев, Тожи Аминовлар бошлиқ деҳқон ҳужалиқларида уларнинг сони юз нафардан ошди. Айни пайтда пахтамиз тоғдек уйилиб кетди. Ҳозиргача 100 тонна ҳосил мана шу чеварларнинг қўли билан терилганлигига қўйил қолмасдан иложи йўқ.

— Балки иш унуми юқори бўлаётганлигининг бошқа сабаблари ҳам бордир? — Биз далада ишлаётганлар учун маданий-маиший шароитларини биринчи навбатда ҳал этиш, — дейди уюшма бош ҳисобчиси Чор Аминов. Турли овқатлар тайёрланади. Кутубхона, сартарошхона, оёқ кийимлари ремонтни устaxonаси пахтакорлар хизматиде.

— Туман ҳужалиқларида теримга август ойидаёқ киришилган эди, — дейди Музабод пахта тозалаш заводи раҳбари Рамазон Маматмуродов. Серташвиш мавсумининг узига хос қийинчиликлари ҳам талай. Аммо, Учқур Гафуров, Равшан Худойкулов, Парда Худоев, Файзулла Алимов, Янгибой Юсуповлар бошлиқ уюшма ҳамда ҳужалиқларда бу иш намунаи ташкил этилган. Тумандаги қўнчилик ҳужалиқларида пахтакорларнинг меҳнатига қўйил қолдик. Улар бу йил экин ҳосил-



Саҳий кўён нуридан баҳра олган пахтазорларимизда иш қизғин. Пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин» йиғиб-териб олинмоқда. Бунда оловқалб ёшларимизнинг ўз ўрни бор. Суратқаш: Р. ШАРИПОВ. (УЗА)

дорлигини янада оширишга бел боғлаганлар. Энг муҳими, теримда катнашаётганларнинг 80 фоизи ёшлар. Агар шу ёшлар гайрат кўрсатишмаса туман бутлугидек режани удалай олмай, ер чизиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Жамоамиз аъзолари янги ҳосилдан тола ишлаб чиқаришда ҳам айнан ёшларнинг меҳнати, зур гайратига таянмоқдалар.

...Ҳосилга тула қўша-қўша тележаллар тиркалган тракторлар пахта тозалаш заводи тарафга ошди. Корхона пахта қабул пунктида эса ҳосил хирмонлари Қўхитанг тоғлари каби виқорли, салобатли қуринади. Пахта толарига термулар эканман, миллионлаб чаноқлардан биттаблат териб олинган дур каби ардоқли бўлиб ҳосил қузимни қувонтиради.

Жовли ҚУШБОҚОВ, «Туркистон» мухбири.

Республика Вазирлар Маҳкамасида КОРХОНАЛАР ФойДА БЕРИШИ КЕРАК

Вазирлар Маҳкамасида зарар келтираётган корхоналарнинг ҳужалик-молия фаолиятини қўриб чиқиш билан шуғулланувчи ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлиси Бош вазир ўринбосари, республика молия вазир, комиссия раиси Б. Хамидов бошқарди.

Мажлисида Қорақалпоғистонда, Андижон, Сирдарё, Қашқар ва Хоразм вилоятларида рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди. Бу жойларда биронга ҳам зарар қўрган корхона қайд этилмаган. Бунга жойлардаги комиссиялар ва Олий ҳужалик суди бўлинулариининг самарали иши тўғрисида эришилди.

Айни пайтда бошқа вилоятларда, айниқса, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида зарар келтириб ишлаётган корхоналар ҳали жуда кўп. «Узентилсановат», «Узкимсановат», «Тошхўлчиоватотрас» уюшмалари, «Маҳаллий сановат» корпорацияси, «Узсувқуриш» концернидаги аҳвол айниқса ташвишлидир. Бунга асосий фоллар-

дан оқилона ва самарали фойдаланмаслик ҳамда улардан зарур фойда олишни йўлга қўймаслик, паст сифатли, рақобатга барлош бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш, натижада оморни бозори қасод моллар билан тулдириб сабаб бўлмоқда.

Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида Ўзбекистон Республикасининг «Банк-ролик тўғрисида»ги қонунига биноан банкотлик тўғрисида 115 та иш қўзғатилган эди. Олий ҳужалик суди 96 та ишни қараб чиқди. Ва улар юзасидан қарор қабул қилди. Унга кура 43 корхона банкот деб эътироф этилди, олти корхона бўйича уларнинг иқтисодий фаолиятини соғломлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди, бошқа корхоналар ишни қўриб чиқиш жараёнида уз қарзларини узди.

Комиссия вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларига корхоналарнинг зарар қилиши муаммоларини доимо диққат марказида тутиш, уз зиммаларига юклатилган вазифаларни қатъий бажариш, жойлардаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда қўйлатиришни тавсия этди. (УЗА).

САВОБНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК

Кийган чопон тузади, кийдирган чопон тузмайди, деган халқ мақоли беҳиз айтилмаган. Урганч шаҳридаги «Жамбул» маҳалласининг фуқаролар йиғини раиси, еш, гайратли инсон Эркинбой Ёқубов ушбу ҳикмати мақолини ҳар сония тасқирлаб туради.

Бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган оилаларни, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қалб ҳис этиди. Зеро қўнли кемтик, иқтисодий муҳофазага муҳтож инсонларга меҳр-муруват, саховат кўрсатиш кишининг йиғони, эътиқоди бутунлигидан ишонча.

Маҳалладаги кам таъминланган оилаларга ҳар байрам, тантана ва маросимларда ҳайр-эхсон кўрсатилади.

Яқинда ана шундай кишиларга ва уларнинг оилаларига 40 минг сумликдан зиёд турли кийим-кечалар, уй рўзгор асбоб-ағжомлари, озиқ-овқатлар берилди. Маҳалла ҳудудида жойлашган 37-сон мактаб-боғча кичкинтойларига эса соғла саломлар тарқатилди. Рузика Отажонова, Тожибой Ёқубов каби меҳрибон инсонлар маҳалладошларининг иқлим-емон кўнларида яқиндан қўмақлаш бўлмоқдалар.

Д. БЕКЖОНОВА.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ — БОШ МАВЗУ

24 сентябрь кунин Тошкентда жаҳон банкнинг иқтисодий тараққий институтини, Тошкент Молия институтини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида «Уттиш даври иқтисодиётида ижтимоий сиёсат» мавзусида семинар бошланди. Унда жаҳон банкнинг иқтисодий тараққий институтини, Тошкент Молия институтини, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси вакиллари билан биргаликда Марказий Осиё давлатлари ҳамда хитойлик мутахассислар иштирок этмоқда.

Анжуманда ижтимоий сиёсатни ҳаётият таътиб этишининг микроиктисодий шартлари ва бу соҳани қайта ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишлари мавзусидаги маърузалар тинланди.

Семинар қатнашчилари турт кун давомиде ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва таътиб этишда Касаба уюшмаларининг ўрни, Маориф ва соғлиқни сақлаш соҳалари ҳамда пенсия тизимини қайта ислоҳ қилиш, ижтимоий секторнинг молиявий таъминоти, меҳнат бозори ва ишсизлик билан боғлиқ масалаларини муҳокама қилдилар.

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

24 сентябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси раиси Қайим Ҳаққулов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония миллий нефть корпорацияси президенти Кунито Комацу бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

К. Ҳаққулов меҳмонларга Ўзбекистон ҳукуматининг нефть ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида амалга ошираётган ишлари, хусусан, Бухородаги газ қони ҳамда Фарғонадаги нефтини қайта ишлаш заводининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, Ўзбекистон нефть ва газ саноятини ривожлантиришга уз ҳиссасини қўшаётган Япониянинг «Митсубиси» компанияси ишларини тилга олди.

Сўхбат чоғида Япония делегацияси раҳбари К. Комацу Ўзбекистоннинг ушбу соҳани техника билан таъминлаш ҳамда Осиё бозориде нефть ва газ билан савдо-сотик қилишни йўлга қўйиш борасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан муҳокама юритди.

ОРТОПЕДЛАР КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИНИ БИРЛАШТИРМОҚДА

Ҳиндистоннинг ортопедия соҳасидаги бир гуруҳ мутахассислари Ўзбекистонга келди. Гуруҳга бутун дунёда танилган олим, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маслаҳатчиси доктор Шанқаран бошчилик қилмоқда.

23 сентябрь кунин Республика Ижтимоий таъминот вазирлигининг «Ортопедия» акционерлик жамиятида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган ортопедия буюмларини таништириш маросими бўлди.

Ҳиндистон делегациясининг раҳбари Ўзбекистонга сафарининг мақсади ва вазифалари тўғрисида сўзлаб берди. Ҳиндистонликлар бу ерда республикамиз ортопедия малакасини оширишда безарз амалий ердам ва маслаҳат берадилар, биргаликдаги сайё-ҳаракатлари билан ногиронларга тиббий ва ортопедия хизматини яхшилашда қўмақлашадилар, бир-бирларига мутахассисларни юборадилар, протез ясашнинг замонавий технологияларидан фойдаланадилар.



Истиқлол жараёни мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш учун жуда катта ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий асосланган собик совет давлат тизимининг амалда таназзулга учраб, унинг ярасам, инсоннинг тўб мафқалари-га зид жиҳатларининг бекор этилиши мустақил Ўзбекистон фуқароларида бир томондан озодлик, эрк туйғуларининг моҳиятини англашга имкон берган бўлса, иккинчи томондан, уларни демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамият қуришдек мураккаб, аммо шарафли, муҳаддас вазифаларни бажаришга ундамоқда.

Мамлакатимиз Президентини И. А. Каримовнинг мазкур жараёндаги етакчилиги ўрни, у белгилаб берган тамойиллар ушбу вазифани ижобий тарзда ҳал этишнинг муҳим омилли бўлмоқда. Айни пайтда юртбошимизнинг нутқлари, чуқур маънога эга асарларида бутунги демократия, айниқса Шарқона демократиянинг тўб моҳияти оғиб берилмоқда.

Биринчи ЧАКРИЯ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессиясида Ислам Каримов куйидагиларни таъкидлади: «Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, эришилган натижаларнинг ҳолисона баҳосидан келиб чиқиб, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш йўналишларини белгилаб олишнинг аҳамияти жуда каттадир. Лундароқ қилиб айтганда, демократлаштириш йўлидан собитдан ривожланишининг кейинги режаларини аниқлаб олиш, уларни халққа тушунтуриш ва яқин мазмун билан бойитиш лозим».

Ҳақиқатан ҳам демократлаштириш жараёни кўчи мазмун билан бойимокда, у жаҳон андозаларини қур-қўна ушлаштириб олиш асосида эмас, аксинча, миллий виждон, миллий руҳ, миллий кайфият, миллий мафкураининг зарур шартлирига асосланган ҳолда ривож топмоқда.

Демократик жараёнларнинг чуқурлаштиришининг йўналишлари жуда кўп. Аммо, уларнинг ичида демократия ва маданият нисбати, маънавий омиллар бош ролни уйнайди, десак хато қилмаган бўламиз. Дарҳақиқат, маданият демократияни янада жонлантирадиган, унга ижобий куч бағишлайдиган, шировард натижадан, жамият ҳаётида чуқур ижобий ўзгаришлар пайдо қиладиган ижтимоий кучдир.

Шу уринда Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада тақомиллаштириш ва самаралорлигини ошириш тўғрисидаги Фармони мамлакатимизда маънавий омилларнинг демократик жараёнлар билан уйғунлашунига асос солганини таъкидлаш керак.

Хусусан, Фармонда қайд этилишича, жамиятда юксак маънавий фаолиятларни камол топтириш, миллий мафкураини шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанимизга муҳаббат, истиқлол гоёларига салоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга ошириладиган барча ислохотларнинг, айниқса демократик жараёнларнинг ҳал қилувчи омиллидир.

Мамлакатимиз юртбошиси, ҳукуматининг маънавиятсиз, маданий қадриятларсиз, уларни демократлаштиришсиз келажак буюк давлат қуриш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосага келиши узбек халқининг қадимий, қўнча руҳияти, мафкураиси, маърифий қарашлариға мос тушмоқда.

Демократик жамиятни маънавияти қаттиқ, билимсиз, тарбиясиз кишилар билан қуриб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шарқ аломатлари руҳсиз, маънавиятсиз танани улук жонга ухшатилган.

Аслида, демократия ва маданият тушунчаси Шарқ, хусусан узбек давлатчилик тарихида жуда қадимдан мавжуд бўлган. Бу нараса, фикримизча давлатни бошқаришда мамлакат раҳбарлари-ҳокимлар, поҳлар, подшоҳлар, амиру-хонларнинг юксак маданияти, маърифий қарашлариға, жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш йўлида тинмай меҳнат қилганликлари самаараси бўлса, керак. Шунинг учун ҳам шарқ, хусусан туркий халқлар, узбек миллатига мансублик йўлида тараққий этган маданият, уз маънавият қурилиши сифатида қабул қилинган.

Шарқона раҳбарлик усули бу — маданият ва демократиянинг уйғунлигидир. Шунинг учун бўлса керак, юртимизнинг узок давлатчилик тарихида қайси давлат раҳбарини олиб қурмайлик, у жуда нозик-таб аллома, шоир, сузбун, олим, маърифатпарвар бўлган.

Ҳуш, Ўзбекистон тарихида маданият соҳасидаги демократия узининг ҳайси жиҳатлари билан ажралиб турлади? Мазкур саволга бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Энг аввало шунини қайд этиш лозимки, ижодда эркинлик масаласи муҳим аҳамиятга эга. Ҳақиқий, том маънодаги асар фақатгина санъаткорга эркинлик берилганда ва жамият томонидан муҳофаза этилгандагина яратилиши мумкин.

Бунга истиқлолнинг тарих силсиласида жуда қисқа бўлган беш йил гувоҳдир. Президентимизнинг истиқлолнинг дастлабки даврларида маданият, санъат ҳокимлари, адиблари билан булган учрашувлари, улар фаолиятига нисбатан ғам-хурлик, кучли ижтимоий муҳофаза тизимининг аста-секин шаклланиб бориши-буларнинг барисидан қўзланган бош мақсад комил инсонни тарбиялаш, ҳуқуқий давлат талабларига жавоб бера оладиган жамият аъзоларини етиштиришдир. Айни пайтда, ушбу воситалардан қўзланган ана бир мақсад жамиятнинг демократлаштириш жараёнига боғлиқлиги билан ҳам изоҳланади.

Истиқлол жараёни тобора чуқур илдиз отиб бораётган ҳозирги шароитда ижодкор учун эркинлик бизнинг назаримизда, энг аввало жамият аъзолари, узбек миллати томонидан талаб этиладиган, том маънодаги ижтимоий буюртмини бажаришга асосланган лозим. Демак, шуро давридаги ижодкорларга берилган «ижтимоий буюртма» коммунистик мафкураининг сиёсий мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган бўлса, Ўзбекистоннинг ҳозирги қўнлиги ижодкор, санъаткорларни бурч ва масъулияти миллат маънавий, руҳий, мафкуравий ҳолати тўғрисида юзага келмоқда.

Демократия ва маданият уйғунлиги одил, алоқалик давлатнинг асосидир. Бизнинг бундай фикрга келишимизга қўнча тарих сабақлари ундади. Хусусан, буюк соҳибқирон Амир Темур «Зафарнома»да қайд этишича «ҳар қандай ҳокимият чидирга ухшаб уз устуларига таянади, ҳокимнинг одиллиги-уша устуларидир, улар ҳокимият томини тутиб туради. Бундай устуларсиз одил ҳокимият бўлиши мумкин эмас».

Мазкур ҳақиқат узбек давлатчилик тарихида азиздан мавжуддир. Президентимиз И. А. Каримов асарлари, нутқларида билдирилган таран фикрлар, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази тўғрисида чиқарилган Фармон-буларнинг бариси маданият ва демократия тушунчаларининг аҳамиятини янада оширмоқда. Шу уринда ҳозирги, вақтинчалик мураккаб иқтисодий шароитда юксак маънавий маданият асосланган демократик тамойилларига жамиятга узаро ишонч, хотиржамлик, ижтимоий барқарорлиқни вужудга келтириши мумкинлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳақиқатдан ҳам, вақтинчалик қийинчилик ва унга сабрсизлик ва ур-тулол билан муносабат билдириш қандай оғир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келиши айрим қўнли мамлакатларда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида бизга танишдир.

Юртбошимиз томонидан «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада тақомиллаштириш ва самаралорлигини ошириш тўғрисидаги Фармонда жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилиши ҳам жуда мақсадга мувофиқ бўлди.

Маданият ва демократия жамиятни ривожлантиришнинг, порлоқ келажак қуришнинг энг муҳим шартига айланганлиги тараққийимиз гаровидир.

А. КОДИРИЙ НОМИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ПРОРЕКТОРИ, ТАРИХ ФАНАЛРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР. А. МАВРУЛОВ.

Мамлакатимиз истиқлолининг муборак беш йиллиги нишонлаётган кулларда республика узра қувончли хабар тарқалди. Ўзбекистон президенти фармонида кўра, Самарқанд шаҳри «Амир Темур» ордени билан тақдирланди. Кўҳна шаҳарнинг бундай юксак мукофотга муносиб ҳурралининг ўзига ҳос мазмун бор. Аввало, темирўйлар давлатининг пойтахти сифатида Самарқанднинг жаҳон илму фани, маданияти ва меъморчилик санъатининг ривожланишига ҳамда давлатларaro ҳамкорлиқни, тенглик, хаққлар ўртасида дўстликни мустақкамлаш ишига қўшаётган ҳиссаси беихоҳ катта. Қолаверса, самарқандликларнинг ўзбек халқи тарихий, маънавий меросини кўп асрлар давомида асраб-авайлаб, жаҳонга машҳур этишдаси ғоят уқан хизматлари эътиборга олиниб, мустақил мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий тараққиётни жасдалаштиришдаги фаол иштироки учун ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан шаҳар ана шу орденга сазовор бўлди.


1996 йил — Амир Темур йили

дий, Содиқий Самарқандий, Манҳо Самарқандийлар Урта Осиё халқлари адабиёти раванқида муҳим урин тутди. Самарқанд фақат иқтисодий фанлар намояндларининг эмас, балки табиий фанлар ҳамда санъатнинг турли соҳаларида жаҳоншумул шухратга сазовор бўлган сиймоларни ардоқлаб, вояга етказган шаҳардир. Астрономия ва математика соҳасида машҳур бўлган Абулфайз Саид Самарқандий, Шамсиддин Самарқандий, Қозизода Румий, Муҳаммад Тарагай Улугбек, Али Қушчи, тиббиёт ва доришунослик фанининг билангонлари Абдуҳамид Муҳаммад Самарқандий, Нажибиддин Самарқандий, Давоний Самарқандий, Боқи Жарроҳ Самарқандий ҳам жаҳон фани хазинасига улкан улдуш қўшган.

Бугун ҳам кўҳна ва ҳамша навқирон Самарқандимиз нафақат маърифат учоғи, балки етти иқлим олиму фозилларини узига қорлаб, уларни ғоявий бирлаштириб турган муқаддас маскан саналади.

Ҳозир Самарқандни улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Чунонки, юбилей муносабати билан жами 28 та иншоотда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётир. Ушбу бунёдкорлик ишлари учун 200 миллион сумдан зиёд маблағ ажратилди. Биргина Бибиҳоним масжидини қайта таъмирлашга 70 миллион сум сарфланиб, унинг шимол-шарқий минораси асл ҳолига келтирилди. Катта равоқнинг шимолӣ қисми, кичик равоқнинг девори тикланмоқда.

Амир Темур мақбараси ва унинг атрофи таниб бўлмас даражада узғаряпти. Мақбаранин жануби-шарқий ва жануби-ғарбий миноралари узи аслига келтирилмоқда. Мақбара таъмири учун зарур қимматбаҳо оник тоши Эрондан олиб келинди, гранит ва мрамар ишлатилмоқда.



САМАРҚАНД ТУЁНАЛАРИ

ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУТУНИ САДАТЛИ, КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ ШАҲАР

Мақбара олдига бунёд этилаётган Амир Темур майдонини самарқандликларнинг катта туйга муносиб туёнаси дейиш мумкин. Хилхона, Оқсарой, Рўҳобод ёлгорликлари, бобоқалонимиз улугвор хайкали, бир-биридан мафтункор фарворлар, боғу гулзорлар, истироҳат жойларини ўзда мужассамлаштирилган бу табаррук гушада ҳозир иш қизғин. Тарихий обидаларни таъмирлаш, биололар интерьери-ни бешахта ута ноқиллик ва юксак дил билан ендишмала-тир. Шу уринда нодир осори-атиқаларга қайта умр бағиш-лаётган тажрибали мутахассис, Самарқанд илмий-таъмир-лаш устаносаси таъмирловчиси М. Асадов номини алоҳида тилга олиш жоиз. Бинобарин, Мирумар ака хизматлари юқори баҳоланиб, «Ўзбекистон қаҳрамони» ордени билан тақдирланди. Умуман, Амир Темур майдонида Самарқанд

УА муҳбири Самарқанд шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Азиз НОСИРОВдан шаҳарда амалга ошириляётган ишлар, фан ва маданият, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда эришляётган муваффақиятлар, келажакдаги режалар, шунингдек, соҳибқирон юбилейига тайёргарлик тўғрисида сўлаб беришни илтимос қилди.

Дунеда ҳар бир шаҳарнинг, «диернинг уз тарихи, тақдир, мавқеи ва қиёфаси булади. Бизнинг кўҳна Самарқандимиз ҳам бундан истисно эмас. Энг муҳими, у инсониятнинг қадимий маданият уқоқлари сифатида жаҳонга танилган Бобил, Афина, Рим шаҳарлари каби жуда бой тарихга эга.

Самарқанд уз тарихи давомида куллаб фаровон замонлар, беҳаловат даврлар, қонли жанглар, салобатли юришлар гувоҳи бўлган. Қадимшунослар қафолат беришича, эраимизга булган даврда Мароқанд худудига сугдлар қатор йирик иншоотлар қурган. Серқатнов қарвон йулида жойлашган шаҳарда ҳунармандчилик, савдо-сотик тараққий тошган. Бирок, асрлар силсиласида бу юртни қимлар вайронга айлантйриб, қимлар қайта тикламади дейсиз? Миллоддан олдинги 329 йили Искандар Зулқарнайн, VIII асрда ибн Қутайба, XIII асрда Чингизхон қўшинлари шаҳарга оғир жараҳат етказган, халқни азоб-уқубатга қўйган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 1371 йилда тахтга келиши ва узи барпо этган салтанат пойтахти сифатида Самарқандни танлаши шаҳар ҳаётида энг буюк воқеа — бурилиш нуқтаси булди. Самарқанд қадимги урнидан жануброқда қайта тикланди ва куп вақт утмасдан бутун мағрибу маширққа довруги кетган гузал, хуркам шаҳарга айланди.

Бу ерда фан, маданият, санъат, адабиёт, меъморчилик мисли қурилмаган тарзда ривожланди. Жумладан, шаҳарнинг таъриф-таъсифини етти иқлимга таратган Бибиҳоним масжиди, Рўҳобод ва Оқсарой ёлгорликлари, Улугбек мадрасаси, Гури Амир мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуида Турхон оға ва Амирзода мақбаралари бунёд этилди. Ялантўш Баҳоидирхон қурдирган Шердор ва Тиллақори мадрасалари, 1428-29 йилларда улуг мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улугбек бино этган расадхона, 1451-69 йилларда қад ростлаган ишратхона тарихий обидаларини ҳам шу жумлага қиритиш мумкин.

Жаҳондаги етти муъжизаниннг бири ҳам шу ерда. Регистон ансамбли, Эйфель минораси (Париж), Парфенон (Афина), Тожмаҳал (Агра), Осмо боғ (Бағдод), Эмшайр Билдинг стрит (Нью-Йорк) ва Буюк Хитой девори сйнари инсониятни дол қолдириб келатган, одамзод ақл-заковати билан бунёд этилган тарихий санъат обидалари сирасига қиради. Бугунги музаам замонда уни яратган, шунингдек, ҳозиргача асраб-авайлаб келатган аждодаларимизга минг тасаннолар айтсак эс. Чунки бир вақтлар Миер, Ирок, Судан, Мексикада ҳам оламга машҳур шаҳарлар булган. Бирок, уларнинг номи, таърифи эндиликда фақат китобларда учрайди, ҳолос.

Самарқандда қадимдан ҳунармандчилик юксак санъат даражасига қутарилган. Аждодаларимизнинг ишак қоғоз, бахмал матоларини қай усулда ишлаб чиқаргани ҳамон сирлилигича қолаётгани шундан далолатдир.

Бинобарин, Самарқанд азалдан шоирлар, уламоу фозиллар маскани бўлиб келган. Низомий Арузий Самарқандий ва Заҳирий Самарқандий адабиёт тарихи ва назариясига оид қатор илмий рисоалар битганлар. Давлатшоҳ ибн Бахтишоҳ Самарқандий, Муғрибий Самарқанд

ХОРИЖ САДОЛАРИ

ТОКНО. Снесьи арбоб саналган Иосио Сакураути «Япония 30—40-йилларда фақатгина босқинчилик билан эмас, айрим халқларни овоз қилиш билан ҳам шуғулланган» дея «тарихий» баенот берди. У мактабларда ўқитиладиган тарих китобларини танқид қилиб, бу китобларда «Япониянинг босқинчилик ҳаракатларининга ериштигани, ҳолбуки уша йилларда Япония ердамида қўллаб давлатлар мустамлакаликдан овоз булганини маълум қилди.

Шуниингдек, И. Сакураути 1937 йилда Хитойнинг Нанкин шаҳрида юз берган «Нанкин киргинини «Уйдирма» дея изоҳлаб, уша пайтда унинг узи шу шаҳарда етиб давлолангани ва маъкур воқеага алоқалор ҳеч нарса қурмаганини айтди. Маълумки, тарих манбаларида 1937 йилда Нанкинда, 200—300 хитойликнинг ваҳшийларча улдирилгани тўғрисида маълумотлар бор.

МЕХИКО. Мексика полициячилари тақсирчиларни тунашга «ихтисослашган» жиноятчилар гуруҳини қўлга олди. Уларга сазсиз ойлик ҳомилиси булган 14 «шай «хоним» ердан қурсапти келгани аниқланди. Маълум булишича, у кимсасиз, қоронгу маҳалларнинг қушаларида тақсир тухтатиб, қолган ишни эрқаларга қўйиб қарай экан.

«Ахир қайси тақсирчи булажак онани шифохонага олиб боришдан бош торта олади», дейишяпти Мексика полициячилари.

ДЕХЛИ. Ҳиндистонликларнинг турли санамлар ва ҳайвонларга сизиниши яқши маълум. Лекин мамлакат қишлоқларининг бирида икки юзга яқин киши «Марияну» — «улкан даракхт»га сизинар экан. «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилган бу даракхт шунчалик каттакта, бир вақтнинг ўзида 30 минг кишига соя беради.

ВАШИНГТОН. АҚШнинг «Колт» деб номланган машҳур қуролсозлик ширкати «XXI аср тўпқончаси» устида иш олиб бораётир. Бу 40-калибрли автоматик тўпқонча полициячиларга жуда қўл келадди. Чунки, унинг ичига радиотўпқончи мослама ўрнатилган бўлиб, у тўпқончаннинг қонуний эгасини «танийди». Агар тўпқонча тасодиф билан жиноятчилар қўлига тушиб қолдудек бўлса, бу мослама уни зарарсизлантириб, оқийғи уйноқдан фарқ қилмайдиган ҳолга келтиради. (УзА)

Ўзбекистон кундан-кунга фаннинг турли соҳалари бўйича ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатмоқдаки, бу нафақат Дунёни танишда, балки Дунёга ўзини танитишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Баландпарвоз гапларни қуйайлик-да, яхши сизларга беллашувнинг узи ҳақида гапириб бера қолай. Биласизми, йўқми, 37 йилдан бери Туркия жумҳуриятида математика халқаро олимпиадаси мунтазам утказиб келинади. Бу йилдан бошлаб эса у олимпиадалан ташқари халқаро мусобақаларга ҳам асос солинди ва бундай мусобақаларнинг биринчиси 27 август — 1 сентябрь кунлари Анқара шаҳрининг «Сомон йули» коллежида бўлиб утди. Унда 118 қатнашчи ёки 20 давлатнинг 25 жамоаси иштирок этди. Қувонарли томони — республикамиз вакиллари ҳам илк бор бу нуфузли мусобақада мустақил жамоа сифатида қатнашишди. Ўзбекистонликларга бундай ҳуқуқ 1991 йилда берилган эдию, лекин еш математикаларимиз бу имкониятдан фойдаланишмаётганди. Бу йил эса Тур-

нинг илк бор қатнашаётган жамоамиз учун яна икки қўшимча урин ажратилиб, жаҳон олимпиадалари тартиби, утказилиш низоми билан танишишга икки математик олим жалб қилинди. Бундан ташқари, олти иштирокчи уқувчи мусобақатга жунашдан олдин бир ой давомида олимпиадалар утказиш тажрибасида эга малакали бир гуруҳ математиклар бошчилигида пухта машгулотида, физика-математика фанлари док-

МАТЕМАТИКА — СИРИИ ОЛАМ

торлари Расул ва Носир Ганихужаев ва физика-математика фанлари номзодлари Гофир Иброҳимов, Мусулмон Бердиқулов, Отамурод Қучқоровларнинг турли маслаҳатлари болаларга қўл келди, шекилли, халқаро баҳсларда, қуриб турибсизки, улар узларини курсатишди. «Машгулотларда асосий эътибор масалалар ечимини қоғозда баён қилишга қаратилди. Бу усул уқув-

ҳамда республикамизнинг қўшни вилоятлари қурилиш, ободонлаштириш ташкилотларидан жалб этилган 3 минг ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар қисқа вақт ичиде 60 миллион сумликдан зиёд қурилиш ишларини бажариб, одамлар куз унгида асрларга татигулик тарих яратилмоқда.

Темур бобомиз фахрланиб: «Менинг бир боғим борки, у Самарқанддан Бухорогачадир», дер эканлар. Туйга ажойиб туёналардан бири соҳибқирон барпо этган машҳур боғларни қайта тиклашга киришиланиди. Булар Боғинақшижаҳон, Боғи беҳишт, Боғи шамол, Боғи дилқушо, Боғи баланд каби 19 та қадимий боғлардир. Шаҳар белига белбоғ булган боғлар жами турт минг гектарни ташкил этиб, уларнинг об-ҳавонини муътадил сақлаш, шаҳарга латофат бағишладан ташқари кишига ором берувчи, элга риск-насиба улашувчи хайр-баракка маскани сифатидаги урни ҳам беқисс.

Самарқандга «Амир Темур» ордени берилиши сабаби ҳам бизнинг соҳибқирон ишларини давом эттираётганимиз, уша давр аъёналарини ёъзолаётганимиздан деб биламан. Бундай хайрли, савоб ишга эса ҳар бир самарқандлик, шаҳардаги барча қорхона, муассаса уз уллушини қўшмоқда.

Ҳозир Самарқанд Ўзбекистоннинг йирик маданият марказларидан, ёшлар, талабалар ва олимлар яшайдиган шаҳарлардан бири. Самарқанд Давлат Университетида бўлғуси физиклар, математиклар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳага оид мингдан зиёд талаба таҳсил олмақда. Шаҳардаги тиббиёт, қишлоқ хужалиғи, кооператив, меъморчилик-қурилиш ва хорижий тиллар институтлари ешгити йитиги-кизлар учун кенг очил. Қорақўлчилик, археология, паразитология ва яқинда иш бошлаган ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёни урганши илмий-тадқиқот институтларида қатор йўналишлар бўйича муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд бағридаги нодир ёлгорликларга жаҳон ақлининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Кейинги уч йилда кўҳна шаҳарга ташриф буюраётган сайёҳлар сонин турт баравар қўпайди. Биз туристлар келишини янада ошириш учун катта режалар тузганми. Тақрор бўлса ҳам айтмамки, юбилей шарофати билан тарихий меъморчилик ёлгорликлари тула таъмирланади. Қолаверса, биз хали Россия, Эрон, Туркия, Англия музейларида сақланаётган ноёб асарлар, бойликларимизни ҳам уз жойига қайтаришимиз керак.

Айни пайтда Самарқанд мустақил Ўзбекистонимизнинг йирик иқтисодий марказларидан бири саналади. Шаҳар саноат қорхоналарида ишлаб чиқариляётган махсулотлар республика халқ хужалиғида муҳим урин тутди. Қорхоналаримизда митти электр лампалардан тортиб лифтларгача, минерал уғитлар, турли-туман озиқ-овқат ва саноат махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Бугун саноатни қўшма қорхоналарсиз тасавур қилиб бўлмади. Кейинги йилларда хорижий сармоядорлар Самарқандга катта эътибор бермоқда. Шаҳарда бир неча йирик қўшма қорхоналар фаолият юритаётир. «ЎЗБАТ» қўшма қорхонаси улар орасида энг йириғидир. Мазкур қўшма қорхона Фарход шаҳарчасида йирик замонавий тамаки фабрикаси барпо этилмақда. Шунингдек, шаҳарда Австрия билан ҳамкорликда барпо этилган мармарга ишлов берадиган ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган йирик «Аср-мармар-гранит» қўшма қорхонаси фаолият кўрсатмоқда. «Ҳамро уик», Ўзбекистон-Испания, «Афғон-Бухоро-Самарқанд», Ўзбекистон-Афғонистон қўшма қорхоналари турли хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирги кунда шаҳарда жами 36 та қўшма қорхона фаолият кўрсатаяпти. Янги қўшма қорхоналар тузиш имкониятларини изламоқдамиз. Туркиялик ҳамкорлар билан тузилган «Сарқочоват» қорхонасининг замонавий тобуслар ишлаб чиқаришига эс вақт қолди. Бир суз билан айтганда, режаларимиз улкан, уларнинг амалга ошишига ишонаман. Қадимий шаҳримизнинг муборак «Амир Темур» ордени билан тақдирланиши эса қалбимизга сурур бахш этади, ғайратимизга ғайрат қўшади.

МАШҚЛАРНИ ШЕЪРИЙ ВА РАҚАМЛАБ

Жонимда жон танимда тан бўлдинг. Оша юртм жонант макон боғ бустон. Еки: Мустақиллик ганги бўлак. Мустақил юрт қалди юксак. Мустақиллик, эрк ҳақиқатда халқимизни асрлар мобайлида энг юксак орузси эди. Ва тангрига шукрлар бўлсаким биз унга эришдик. Аммо шундай буюк незаматни олдий сийқа шақларда эмас, унинг бутун моҳиятини дилдан кеңибор олдий оригинал шақларда яратсак мақсадда мувофиқ бўлмасмикин? Чунки

Сатрларда юрак сирлари. Дарҳақиқатда келатган сатрлар қандайдир дард, армон муҳассам эканлиги аққол сезилиб турибди. Айнан ана шу нарса сизни кейинги сатрларга етаклайди. Нодирага маслаҳатимиз шундай чакмоқ сатрлар яратишда катроқ уйланиш. Биз келажакда унинг шеърларини фойдаланишимиз назарда тутганми. Қарши шаҳридан Санобар Рашидова шундай сатрларни келтиради: Рухмин тирновчи орузларини кўп, Ҳали кўз илғамас, ёлғиз ништарман. Оллоҳим қонимга олов қорган ҳуб. Қақшаган қўлларда қолган суварман. Шоира нима демократиянинг ҳам ва уни қай йусида ифода қилишини ҳам яқини билди. Ишонди. Шунинг ўзбек шеърини нисбатан бошқача бир ниҳот талаб этади. Биз Санобардан бир неча маротаба мактуб олганмиз ва ҳар бир мактубда унинг қалами тобора қарқанди бораётганлигининг гувоҳи булганми. Эшқобил Валнинг сатрларига эътибор беринг: Менинг сийлақ қиёфам сохта, Ичим тула катта ҳақорат. Тақририятга келатган мактублар муаллифи қутулдиғи ёшлар. Ҳатто улар орасида қалам тебратилиш эндигина қозилган мактуб ўқувчилари ҳам бор. Муборак туманидан 8-синф ўқувчиси Улмасхон Тўраев ешқол маҳкаматига қиратган ана шундай усмларлар. Биз унинг кейинги машқларига омад тилаймиз. Хурматли мушарриф, шеъринг шайдоларини биз бутун сиз билан мактубларингиз асосида бироз бўлсада ойдиноқ сўхбатлашиб олдик. Яна қайтармас, бу ерда уз исми-шарифингизни еки сатрларингизни учратмасангиз, бу сизнинг мактубингиз бейъитиб қолди, дегани эмас. Ҳар бир машқнинг тақририят лиққатлида. Биз кейинги шақларда бу ҳақида ана батафсил тўхталамиз. Азиз қаламкашлар! Сунги суз урнида сизга яна шундай маълум қилмоқчимиз: шу йилнинг сентябри ойда «Туркистон» рўномаси қоида танфиқ ва устоз шоиримиз Рауф Фарҳад раҳбарлигида «Шеъринг сабақлари» мактаби уз ишони бошлади. Мактубларингизни ва қўпирокларингизни қутламиз. Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан Абдулмалик БОБЕВ, «Туркистон» газетасининг ижодкор ёшлар бўлимин муҳбири

ЖИМБОР

Йигитлар севги ҳақида

ҲАР ГУЛНИНГ ЎЗ ҲИДИ...

Бир дўстим доим муҳаббатдан кўркаман, дерди. Йиллар суроли туфайли у билан анча вақт кўришмадик. Мен ўқиб учун Тошкентга кетдим. У Самарқандда қолди.

Яқинда кўришдик, хали ҳануз оғизда уша гап: «Муҳаббатдан кўркаман».

...Ушбуни эски маззу десам хато бўлар. Менимча бу инсоният учун ҳамisha янги ва манзу маззу бўлиб қолаверади. Туғилиш бор экан, бу маззу ҳеч қачон эскирмайди, кўркимни йўқотмайди.

Барбир нима бўлганда ҳам бу кутлуғ тўйгу яна бир бор дилини қитқилади. Шу боис, бу муқаддас тўйгу ҳақида ўзгаларнинг-да фикрини билгим, тўғирогини, уларнинг руҳиятига руҳимни ошно қилгим келди:

Ориф Тўхташ. СамДД талабаси. Шоир:

Биласизми, муҳаббат инсонни тарбиялайди, ҳатто улуглайди ҳам. Фақат уни ҳурмат қилиш, арлоқлаш керак. Бировни чин дилдан севиниш

Негадир шу мавзуда гап кетса, уйқум келаверилади. Ха, дарвоқе, муҳаббат ҳақида эзоқчи булсангиз, бизнинг 2-ётоқхонага келаверинг. Бунда фақат уша дарига мубтало булганлар яшайди.

Утқир САЙФИЕВ, СамДД ҚИ талабаси:

Муҳаббат деганда, Диловарнинг ишққа тулик кўзларини тушунаман. Дундаги энг гузал севги менинг унга, унинг менга булган севгиси булса керак. Хуллас, муҳаббат чексиз меҳр мевасидир.

Нодир ЖОНУЗОҚОВ, СамДД талабаси. Шоир:

Ким нима деса десингу, шахсан мен бу нарсага ишон-

майман. Чунки... Ораминг жуда яхши эди. Бир биримизни қадрлардик. Лекин кунларнинг бирда у менинг қўлимга туйқат тутқазди...

Бир пайтлар туғилган кунимда у менга магнитофон совға қилганди, ҳозир фақат Гнесини «Муҳаббат йўқ экан, Бевафо кўп экан дунёда», қўшиғини тинглайман.

Норали ОЧИЛОВ. ТошДД талабаси:

Хали мактабалик кезларимда қўшни синфда ўқитган кизга ишқим тушганди. Кўп утмай у олийгоҳга ўқишга кирди. Кунларнинг бирда мен унга юрагим тувида яшириниб ёган сиримни ошқор этишга жам қилдим. Не куз билан қўрайки, қаршимда... димоғдор, кибри-хаво осмонда сузиб юрган «малак» гурарди. Унинг менга булган совуқ муомаласидан сунг юрагим тувида сақланган пок муҳаббатимни-да ундан кизганим. Лекин барбир юрак қўғур уша қўшни синфда ўқитган кизни қўсайверади.

Ҳали мактабалик кезларимда қўшни синфда ўқитган кизга ишқим тушганди. Кўп утмай у олийгоҳга ўқишга кирди. Кунларнинг бирда мен унга юрагим тувида яшириниб ёган сиримни ошқор этишга жам қилдим. Не куз билан қўрайки, қаршимда... димоғдор, кибри-хаво осмонда сузиб юрган «малак» гурарди. Унинг менга булган совуқ муомаласидан сунг юрагим тувида сақланган пок муҳаббатимни-да ундан кизганим. Лекин барбир юрак қўғур уша қўшни синфда ўқитган кизни қўсайверади.

Ҳайрат САЪДУЛЛА. СамДД талабаси, носир:

«Бир даста атиргул» номли ҳикоямни эзоқчи бўлиб юр-
Хурматли муштарий!
Мана сиз севги-муҳаббат ҳақида йигитлар фикрини оз бўлса-да эшитдингиз. Лекин уларнинг кўпчилиги ўз қарашларини осонгина айтавермадилар. Шунинг учун улар билан гоҳ ётоқхонада, гоҳ охинонада, гоҳ хиббона ва кўчада ҳам суҳбатлашишга тўғри келди. Шу боис камчилик сезсангиз, мавзур тупасиз, деган умиддаман.

Набатдаги суҳбатимизда кизларнинг севги ҳақидаги фикри, йигитларга муносабати ҳақида тўхталмоқчимиз. Қани улар бу ҳуеусда қандай мулоҳаза юртишар экан?

Абдуғаффор ОМОНБОВЕВ, ТошДУ талабаси

Дил изҳори

Сени эсласам юрагим гаму-изтиробга тулади. Сени эсласам, беихтиёр фард солиб бузлагим келади. Сен нега мени тушунмадинг азизим?!

Чин бахт тополмадим севгида мен, Тушқунлик домга ютади мени. У кун изларимда мен хор айлаган Севгининг уволи тутайди мени. Қайгулар йўлимга бўлар поёндоз, Армонлар иптисор кутайди мени.

Топмай йўқотганим — дурдона бахтим, Сениз қандоқ куним ўтади менинг?!

Ахир мен сени севардим-ку! Сени кўрганамда, сен билан ёнма-ён турганимда юз-кўзларимда порлаган севинч нурларидан англамадигим бунинг?

Дуней бевафо деб шуни айтсалар керак-да! Сен менинг бу бевафо дунедан топган энг азиз дурдонам эдинг... Сени дея, сенинг хаёлинг бирла урарди бу юрак... Сенинг фикру-эдинг бирла яшардим. Сен мисоли нур, шамчироқ эдинг, мен эса парванонг... Бу кун эса сенингсиз бу дунё хувиллаб қолди мен учун.

Сен узга бир дилдорнинг кунлидан узинга жой изладдинг. Мен сени йўқотдим, мен сендан айрилиб қолдим!

Аммо мен ўзимни бахтиёр ҳис этияман. Мен сенинг хаёлинг, хотиротларим билан бахтланман... азизим! Армонга айланган муҳаббатимни ярадор қўқсимга босиб, азалор толеймга лаънатлар айтиб, мен кетяпман. Мен сенинг ҳаётингдан абадул-абад кетмоқладман. Алвидо, менинг бахтим, армоним! Алвидо, менинг уқинчим, кўз ёшларим менинг...

Бир кун келади, ушанда сен мени излайсан, мени дея бузлайсан. Аммо кеч, жудаям кеч бўлади ушанда...

Кўнгли бердинг неча подон агёрларга, Сира ҳавас этмаган не хаёлларга, Бошинг бир кун урилганда деворларга Мени эслаб йиғлагайсан, мени эслаб.

Менинг каби йиғлаганда сени ҳам гам. Кўксинг пора этганида рашқу-алам, Тор келганда кўзларингга кенг бу олам Мени эслаб йиғлагайсан, мени эслаб.


Мен бу номард Дунёдан юз бурганамда, Хаёлингдан нари кетмай турганимда, Оққуш бўлиб тушларингга кирганимда Мени эслаб йиғлагайсан, мени эслаб.

Қадр этмадинг оқар сувдек оқиб кетсам, Розим бирла юрагингни ёқиб кетсам, Юрагингга армонимни тақиб кетсам Мени эслаб йиғлагайсан, мени эслаб.

Тушунмадинг бу мохлора кўнглимни сен, Ярададинг меҳринг тўла дилмин сен. Кўзларингга суриб бир кун изимни сен Мени эслаб йиғлагайсан, мени эслаб.

Жон-жонима жо қилдим-эй ҳар сўзингни. Изларима қилсин Оллоҳ зор, кўзингни. Дунё сенга кўп кўрғанда Ферузингни Мени эслаб йиғлагайсан, мени эслаб.

Шундай дейману... ва лекин, яна сени кутаман. Қани эди, мен полапондай учиб бориб, бағрингга сингиб кетсам...



Феруза АЛИЕВА, талаба.

Эркин ВОҲИДОВ СЕВГИ

Ўн сакказа кирмаган ким бор,
Богиндан гул термаган ким бор.
Сен ҳақингда ёзиб тўрт саҳр,
Сирдошига аста кўрсатиб,
Қўшни қизга бермаган ким бор.

Дастлаб ҳар ким қалам олган он
Ёниб сени қўйлар беғумон.
Маскан қуриб ҳар бир кўнглидан,
Ошиқларни қолдириб тилдан,
Шоирларни қилурсан бийрон.

Тудим чоғи мен ҳам дамнингга,
Эзу ҳислар бахш этдинг менга,
Ҳаётимга зар лаъҳа бўлдинг,
Илк шеъримга сарлаҳа бўлдинг,
Ҳаёлларим улфатдир сенга.

Юрагимда ҳис этдим қанот,
Тилсим каби очилур ҳаёт,
Висоладеги дамларим ширин,
Ҳижрондаги гамларим ширин,
Кулиб боқар менга қоинот...

Ўн сакказа кирмаган ким бор,
Богиндан гул термаган ким бор...

Бугун сени жуда узоқ уйлагим келди. Билмадим, бу уйдан қачон фориг бўламан. Ахир энди оиланг, худди узинга ухшаш углинг бор...

Утмишнинг ширин кўни ҳам, аччиқ кўни ҳам унутилмас экан.

Утмиш хотира китобини бир-бир варақлайман. Мен учун қалди боб «Сунгити учрашув».

...Сунгити учрашувимиз. Ушанда биз қоронгу тун бағрида сукунатга чўмган ҳолда ёнма-ён кетдик. Бир



КўНГИЛНИНГ ИШИ

Ушбу мақолада севги-муҳаббат сўзи ишлатилмади

Қўшни қишлоқда Раҳмат деган киши буларди. У гапирга олмасди. Гунг эди. Қишлоқнинг молини боқиб тирикчилик утқазарди. Унинг Ҳожар исмли аёли бор эди. Болалигимизда қишлоғимиз четидан оқиб утадиган Қорасув буйларига Раҳмат ака молларини боқиб келарди. Биз қишлоқ болалари нимагадир Раҳмат гунг енига боришдан қурқардик. Узи жуда ювош, келишган, бақувват киши эди.

Езинг жазирама кунларида молларни тепаликка қўйиб, ўзи Қорасув буйидаги дараклар тагида дам оларди. Шунда хотини Ҳожар опа тушлик келтирарди.

Болалигимдан мени бир савол уйлатади. Ҳожар опа гузал аёл бўлса, нега гапиролмайдиган гунг кишига турмушга чиққан? Энам раҳматлига бу ҳақда кўп савол берганман. Энам бечора эса доим «Болам кунлиш иши, кўз иши. Мен қайдан билай», — дерди. Ҳар гал уларни эслаганимда энамнинг гапи ёдимга тушаверди, тушаверди.

Катта бўлиб ақлимни танитганимдан сунг ҳам Раҳмат ака билан Ҳожар опанинг тақдирини менга сирлигича қолаверди. Бир кунни қишлоқ оқсоқолларининг суҳбатидан шуни билдиб олдим.

Ҳожар опани ҳеч ким Раҳматга зурлаб бермаган. Уз ихтири билан унга теккан экан. Бир пайтлар эрта баҳорда Қорасувга катта сел келиб, юқоридаги

қишлоқлардан ҳатто бешикдаги болалар ҳам оқиб келган. Қишлоқнинг манаман деган йигитлари Қорасувга тушолмаганида Раҳмат гунг узини сувга отиб бир неча бешикни сувдан олиб чиққан экан.

Ҳожар опанинг буйи етганда кўп жойдан совчилар чиққан. Аммо ҳаммасининг тугуни қайтган. Фақат Раҳмат аканинг уйдагилар келганда совчиларга розилик билдирган экан.

Ҳозир Раҳмат ака билан Ҳожар опа пири-бадавлат. Фарзанлилари бағрида яшашапти. Биринчилардан бўлиб фермер хўжалик ташкил қилишган.

...Ҳар кунни шаҳар кўчаларида Никоҳ уйларига бораётган турна қатор машиналардаги келин-қўевларни қурамин. Уларнинг айримлари кўп утмай судга ажралиб туғрисидан ариза кутариб келишади. Сабоби битта: «характеримиз тўғри келмади». Туйдан олдин эса бир-бирига «сизсиз ҳаёт менга қоронгу» деб бусалар ҳая қилган бўлишса ажаб эмас.


Меҳр-муҳаббат кўзда дейилгани рост. Кузлар алдамайди. Агар сиз бировнинг қалбини билмоқчи бўлсангиз, унинг кўзларига боқинг. Мен ушбу сузларни Раҳмат ака билан Ҳожар оналарнинг ҳаётдан билганим учунгина айтаяпман. Юраги пок инсоннинг кўзида, чақнаб турган муҳаббат бўлади. Кузлар ҳеч қачон алдамайди.

Сирдарё вилояти З. ОЧИЛОВ журналист.

ИККИ ЎТ ОРАСИДА

Яқинда олий маълумотли бўламан. Тўғри, ҳаётдан умидим кўп. Яхши муҳандис бўлиб юртимга хизмат қилсам, деган ниётда юрбман. Юрагимни анча вақтдан бери бир дард кемиради. Кимга айтишни ҳам

билмайсан киши. Уйдагилар туғишган холамнинг кизи Раънога уйлантирмоқчи. Мен эса қаршиман. Холамнинг кизи жуда ақлли, гузал қиз. Яқинда тиббиёт билим юртини тугатиб ҳамшира бўлади. Ойимга ҳам, да-



дамга ҳам бир неча марта айтдим. «Ойи, сизнинг синглингнингизни қизи менга ким бўлади» деб. «Ахир синглингиз — дедилар. Айтмишга тил ҳам бормайди. Нега унда мен билан холамнинг кизи турмуш қуришини хоҳлайсиз, дедим.

«Сен бизга ақл ургатма. Опа-синглиларнинг қуда бўганини кўп кўрганман», — дедилар. Бошим қотиб қолди. Нима қилишга ҳайронман. Яқинда газеталарнинг бирда бир мақолани ўқиб қолдим. Пайгамбаримиз Муҳаммад Саллолоху алайҳи вассалам шундай дейдилар: «Хола она ҳукмидадир». Ана энди холамнинг кизига уйланиш (уғлига турмушга чиқиш) қанчалик англашилмовчилик эканлиги янада ойдинлашди, — деб эзди.

Қачонгача ота-оналаримиз «Минг қилса узимизники. Яхшиингни оширади, ёмонингни яширади», — қабилида иш туғишади. Бу масалаларга маҳалла қўмитаси, оқсоқоллар ҳам томошабин бўлмастиклари керак.

Севганим бор. Бирга беш йил ўқиганмиз. Унинг ота-онаси тўғриси бизнинг оилага қараганда ўзига тўқроқ. Уйдагилар бунинг сезинган, шексизли. Мен сизларга айтсам икки ўт орасида қолдим.

Асрор АЛИЕВ, Фаргона вилояти.

ЁЛГИЗ СЕНГА АЙТАР СЎЗ

сўз демасдан. Йуллакка туқилган барглар кўзинг бизга ҳақиқат эканлигини яна бир қарра эслатиб турарди. Йул ярмига етганда сенинг хоҳишинг биланг тухтадик... Яна жим эдик... Нима ҳам дейиш мумкин, сен — фарзанд, ота-онанг олдидан оқизсан. Беҳасдик йўлини тутиш узимизга тағурироғи муҳаббатимизга ҳиёнат қилиш эди.

Қизиқ, шунча йил юрагимиз бирга бўлибди-ю, бир-биримиз билан кўнгли очиб дилдан суҳбат қурмабмиз. Кафтимни севишгандар каби қафтинга тутишини истамаднинг ҳам. Балки

истардинг, лекин менинг газабимдан журъат эта олмасдинг. Олисан дингоҳ билан нигоҳинг учрашши биз учун катта бахт эди.

Мана ҳозир ҳам... Сабр қосам алам ешлари юзларимга қуйилди. Сенга ҳам осон эмас. Чорасизлик арқони икки қўлингга маҳкам боғлаган. Лекин шукр енимдасан. Бу лаҳзалар икки-уч лаҳзадан сунг адогига етишни аниқ. Олдинда иккимизни ҳам айри олис йул кўмоқда. Ана шу йулдан кета олишнинг керак ҳаммасини унутиб, сенисиз... олисроқ.

Лайло НАЖМУЛЛО.

ЮРАГИМГА ҚУЛОҚ СОЛСАМ...

Ассалому алайкум тахририят ходимлари!

Мен ўзимни тушунмай қолдим. Бу йил институтни битираман. Уйланмаганим. Аммо, битта фарзанди бор аёли севиб қолдим. Тўғриси, узга яшай олмаيمان. Унинг исми Фароғат. Фароғатнинг ширинсўзлиги, ниҳоятда маланиятчилиги, ақллиги мени узига ром этди.

Яқинда уйдагилар тўй ташвишига тушиб қолишди. Қизларни айтишди. Уларнинг ҳеч бири менга екмалди.

«Яхши кўрганинг бўлса айта», деб қистайверишгач болсам бор аёли севинимни айтдим. Шунда онам долдлаб ойдайд боласининг бошини айлантирган Фароғатни қарганим. Отам эса, «Агар ниҳоятини шу бўлса, уйга келма, бизни маҳалла-қўйда шарманда қилмоқчимсан» деди.

Яқинда акам келиб, «Сени маҳалладаги бир қизга уйлантирмиз, кейин билганингни қилвер, дуст-дўшманингни олдида юлганга ёрут бўлсин», деди. Рози бўлмадим. Нега энди бировнинг қизининг умрини ҳазон қилишим керак.

Ойидаги гапидан баҳордор булган уртоқларим ҳам улар тараф. Нима қилишга ҳайронман. Масҳафат берсаларингни. Барбир Фароғатсиз яшай олмаيمان.

Азамат ТОЛИПОВ, Самарқанд вилояти.

КЎЗЛАРИМИЗ ВАФОДАН СУЗЛАЙДИ

Ҳаётда инсон учун оилавий бахтдан ҳам буюқ бахт бўлиши мумкин эмас. Ойидаги бахтли бўлолмаган инсон кўнглида ҳам бахтли бўлолмайди. Мен Нилуфар билан севиниб турмуш қурдим. Тўғриси, юракдаги ҳамма нарсаларни дoston қилаверинг узбекчиликка кўнглини келмасиз атрофдаги айрим тенгқўрларимиз уйдим-қуйдим деб бир-бирларига интилишади. Аммо туй ўтга, ит-мушук бўлишади.

Бир-бирини севган икки еш ҳар қандай қийинчиликларга чидайди. Ҳаётда бир мақсад учун курашади.

Мен аспирантурада ўқийман. Нилуфар билан бирга ижарада яшаймиз. Ҳаётимдан ҳеч қачон қолмайман. Нилуфар ҳам. Энг асосийси биз бир-биримизни тушунимиз. Келажакда олим бўлмоқчимиз. Насиб қилса яқинда уй олашимиз. Анчагина пул ҳам йигиб

қўйдик. Химоям ҳам яқинлашмоқда. Менинг назаримда ҳаётдаги барча қийинчиликлардан ҳақиқий севимиз туфайли голиб чиқдик. Мен дунёдаги энг бахтли йигитман. Мени тушунгани севган ерим бор. У менинг тилимни, Керак бўлганда елқалоним. Интиқ китпига булган ортиқ бахт бўлмас керак. Мен бирон мартаба Нилуфарга «сизни севман» дедиманман. У ҳам. Бизнинг кўзларимиз ва қалбларимиз бир-биримизга вафодан суйлайди.

Ҳа айтгандай яқинда фарзандлик бўлашимиз. Ана шунда сиз азизлар янги уйимизнинг янги меҳмони билан табриклаш учун бизникига келасизлар. Биз сизларни кутамиз, азиз «Туркистон» муштарийлари.

Сизларга омонлик тилаб.

Дилшод ТўРАЕВ.

